



Аллоҳ таоло айтади: «У Кунда Биз жаҳаннамга «тўлиб битдингми?» дермиз, у эса «Яна қўшимча борми?» дер» (Коф: 30).

«История» : История История История История История История История  
«История» «История» История История История История История История

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «У кунда (яъни,  
қиёмат кунида) жаҳаннам олиб келинади ва унинг етмиш минг  
тизгини бўлади. Ҳар бир тизгиндан етмиш минг фаришта тортиб  
келади» (Имом Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эдик, тўсатдан гумбурлаган товуш эшитилди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биласизларми, бу нима?», дедилар. Биз: «Аллоҳ ва Расули билувчироқ», дедик. «Бу етмиш йил олдин дўзахга отилган тош эди. У ҳозиргача дўзахга тушиб борарди, энди тубига етди», дедилар (Имом Мұслим ривояти).

**Шарҳ:**

Дўзахни Аллоҳ таоло кофирларга қароргоҳ қилиб яратган. У жуда ҳам катта, ғоят чуқур бўлиб, унинг етмиш минг тизгини бўлади. Қиёмат куни ҳар бир тизгиндан етмиш минг фаришта тортиб олиб келади.

**Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Дўзахнинг катта ва кенглиги;
2. Унинг ғоят чуқур экани;
3. Дўзах аҳлига азобнинг қаттиқлиги.